



UZNA | O‘zbekiston
Milliy axborot
agentligi

O‘zbekiston Milliy axborot agentligi
O‘zA Ilm-fan bo‘limi

Elektron jurnal
2024-yil may soni №5 (55)



Toshkent-2024

МУНДАРИЖА

Iqtisodiyot

З.Р.СОДИКОВ. Миллий иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётининг аҳамияти.....	3
М.У.ИСОКХУЗНАЕВА. О'zbekistonning raqamli iqtisodiyotga o'tishi jarayonida elektron tijoratni boshqarish mexanizmlarini optimallashtirish.....	9
G.A.SAFAROV, D.M.ERKINJONOV. O'zbekistonda moliyaviy savodxonlikni oshirish zarurati va shart-sharoitlari	14
Ф.Т.ДЖУМАЕВ. Минтақа саноатидаги таркибий ўзгаришларга таъсир этувчи омилларни ўрганишда услубий ёндашувлар.....	20
С.С.АХАДОВ. Иқтисодий ўсишнинг институционал омиллари таркиби ва миқдорий баҳолаш усуллари	30
Ж.Н.ҚОСИМОВ. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни такомиллаштириш масалалари	38
К.Р.НАСУРОВА. Ўзбекистонда мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш механизми самарадорлигини баҳолаш	45
A.M.MAXMUDOV. Davlat byudjeti daromadlarini shakllantirishda soliq huquqbuzarliklarining ta'sirini tahlil qilish.....	50
Д.Х.ЖЎРАЕВ. Акциядорлик жамиятларида ҳисоб сиёсатини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари	58
A.E.MENGNAROV. Davlat-xususiy sherikchilik loyihalari statistik tahlili	64

Yuridik

М.Н.РАМАЗОНОВА. Ўзбекистон Республикасида сифатли таълим олишнинг ҳуқуқий асослари	75
D.A.XIDIROV. Shartli hukm qilishni bekor qilish asoslari	81

Filologiya

D.KAZAKBAYEVA. Zahiriddin Muhammad Bobur masnaviylarining vazn xususiyatlari.....	86
--	----

Yuridik

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ОЛИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маржона Наврўз кизи РАМАЗОНОВА

ўқитувчи

Бухоро Давлат Университети

Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Мақола Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонунчилиги, таълим ҳуқуқига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, таълим соҳасидаги давлат фаолияти ва мақсадлари, ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилиб, бу борада таҳлиллар асосида назарий хулосалар берилган.

Таянч сўзлар: ижтимоий давлат, таълим соҳасида ягона давлат сиёсати, бошланғич профессионал таълим, таълим олиш ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари.

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ПОЛУЧЕНИЯ КАЧЕСТВЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Маржона Навруз кизи РАМАЗОНОВА

Преподаватель

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматривается законодательство Республики Узбекистан в сфере образования, изменения и дополнения к закону об образовании, государственная деятельность и цели в области образования, его особенности, а также на основе анализа делаются теоретические выводы.

Ключевые слова: Социальное государство, единая государственная политика в области образования, начальное профессиональное образование, особенности права на получение образования.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 20 декабрь куни Олий Мажлисга ҳамда республикамиз халқига Мурожаатномасида охириги йилларда давлатимизда инсон кадрлари, унинг манфаатлари ҳамма нарсадан устунлиги, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш асосий мақсад ва вазифалардан бири этиб белгиланганлиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди. Давлат раҳбари мурожаатномасининг иккинчи йўналиши бўйича Янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосида қуриш асосий мақсад қилиб қўйилганлиги, шу жумладан, инсон салоҳиятини рўёбга

чиқариш учун халқимизга кенг имкониятлар, муносиб турмуш шароитларини яратиш, камбағалликни қисқартириш мақсадида биринчи навбатдаги эътибор таълимни қўллаб-қувватлашга қаратилиши таъкидланди. Зеро, таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг якка-ю ягона тўғри йўлидир.

Бугунги кунда энг катта инвестиция бу инсон капиталига йўналтирилгани, бунда энг аввало таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг ягона тўғри йўли бўлишига алоҳида тўхталиб, 2023 йилни “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номлаш таклиф этилган эди. Мурожаатноманинг амалдаги намунаси сифатида ижтимоий соҳадаги камчиликлар ўрганилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга давлат томонидан дастурлар ишлаб чиқилиб, фуқароларга ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий, психологик ёрдамлар тақдим этилмоқда.

Таълим соҳасида айниқса, мактабгача ҳамда умумий ўрта таълим, олий ва ўрта махсус касбий таълимни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим сифатини ошириш мақсадида ўқитишнинг янги педагогик технологияларини жорий этиш, талабаларнинг билимини мустаҳкамлаш учун ўқиш ҳамда амалиёт жараёнининг мужассамлигини таъминлаш, янги замонавий лаборатория ускуналарини олиб келиш, профессор-ўқитувчиларнинг тажрибасини ошириш, ўқув жараёнига етакчи хорижий олий таълим муассасалари, илмий марказларининг профессорларини жалб қилиш каби намунавий ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, қарорда белгиланган “4+2” тизими асосида талабаларнинг ўқиш ва амалиёт жараёнларининг бирлаштирилиши таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат ислохотларининг давоми сифатида навбатдаги 2024 йилнинг “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши республика бўйича жами доимий аҳолининг 55,6 % га тенг бўлган ёшлар қатламига эътибор кучайганлиги, уларнинг сифатли таълим олиши, илмий ижод билан шуғулланиши, таълим ҳуқуқларининг кафолатланиши илмий салоҳияти юксак, танқидий ҳамда креатив фикрлайдиган ёшларни тарбиялашдек мақсадни янада олға суради.

Юқорида келтирилган мақсад ва вазифаларнинг Бош Қомусимиз бўлган Конституцияда мустаҳкамланиши таълим соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида таъкидланганидек, “Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди” [1]. Давлат эндиликда нафақат бепул умумий ўрта таълим, қолаверса, бошланғич профессионал таълим олишни ҳам давлат ҳисобидан бўлишини кафолатламоқда. Зеро, илмий тадқиқотлар натижалари шуни тасдиқлайдики, инсон 5 ёшгача бўлган ҳаёти давомида барча маълумотларнинг тахминан 70 фоизини олади. Бу омил мактабгача таълимнинг ягона узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини сифатидаги аҳамиятини белгилайди.

Мактабгача таълимни ҳам анъанавий, ҳам янги шаклларда ривожлантириш давлатнинг асосий вазифаларидан бирига айланди. Хусусан, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида ушбу соҳани тубдан ислох қилиш мақсадида 96 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган бўлиб, шундан Президентнинг 3 та Фармони ва 19 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 44 та қарори ва 8 та қарори, 13 таси идоравий ва 7

та бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат. Бу борадаги ислоҳотлар натижасида болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш 27,7 фоиздан 62,4 фоизга, мактабгача таълим муассасалари сони 5211 тадан 19316 тага кўпайди [5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли Фармони ижросини таъминлаш, мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, соҳадаги ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида, 2017 йил 30 сентябрда “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги 3305-сонли Президент қарори асосида Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Шу йилнинг сентябрь ойидан бошлаб, хусусий боғча ташкил этган тадбиркор барча турдаги солиқ ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлардан (ЯИТдан ташқари) озод этилди. вазирлик томонидан Ўзбекистонда биринчи марта барча МТМларга мавзувий режалаштирилган таълим дастури тарқатилди. Таълим жараёнига энди кириб келаётган кичик ёшли болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тамойили асосида ишлаб чиқилган янги дастур “Илк қадам” деб номланди.

Конституциянинг 33-моддасида давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши мустаҳкамлаб қўйилди. Бу жуда муҳим, айтилиши мумкин энг керакли қолидадир. Нега деганда, бугунги кунда бошқа соҳалар қатори таълим тизимини ҳам интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таълим соҳасидаги янгиликлар бўйича олиб борилаётган жаҳон тажрибаси билан ҳамнафас бўлиш, жадаллашув замонида янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари билан танишиб, ҳуқуқий онгни оширишда интернетнинг ўрни улкан. Жамиятнинг илк бўғини ҳисобланмиш оилада бола илк тарбия олибгина қолмай, таълим олишга, илмга йўналтирилади. 77-моддада ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга еттунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилиши мажбурияти, ота-оналарнинг фарзанди таълим олиши учун масъул шахс эканлигини белгилайди. Фуқаролар ҳамда давлат ўртасидаги битим ҳисобланган конституцияда бола таълим ва тарбияси, етук ўсиши, соғлом муҳитда улғайиши учун ҳам ота-она, ҳам давлат ўз зиммасига бирдек мажбуриятни олганлиги таълим ҳуқуқи соҳасининг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасида “Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар кимга таълим олиш учун тенг ҳуқуқлар кафолатланади.” [2] Таълим соҳасидаги ҳуқуқларнинг тартибга солиниши қонуннинг 4-моддасида келтирилган принциплар билан мустаҳкамланган. Хусусан, давлат таълим соҳасида камситишларга йўл қўйилмаслиги; таълим олишга доир тенг имкониятларнинг таъминланиши; таълим тизимининг дунёвий хусусиятга эгаллиги; билимлилик, қобилиятлилик ва истеъдоднинг рағбатлантирилиши; таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувининг уйғунлиги; таълим фаолияти соҳасидаги очиқлик ва шаффофлик принциплари ўрнатилган. Бундан ташқари, бош қомусга таълим олиш соҳасида киритилган янгиликлардан бири бу таълим ташкилотларида алоҳида таълим

эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланиши бўлди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда таълим соҳасини тартибга солишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг комплекс тизими шакллантирилган. Ўзбекистон Республикасининг таълим масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олган 200 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат.

Таълим олиш ҳуқуқи шахснинг асосий ҳуқуқларидан биридир. Таълим илм бериш ва тарбияни ўз ичига олиб, у республиканинг заковат ва илм борасидаги куч-қувватини ривожлантириш, жамият, оила олдидаги ўз масъулиятини англайдиган ҳар жихатдан баркамол шакллантириш мақсадини кўзлар экан, бу мақсадда дастурлар, йўл хариталари тузади. Конституциянинг 78-моддасида келтирилганидек, давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади. Мазкур қонуннинг амалдаги ижроси сифатида 2023 йил 1 сентябрдан республика фуқароси ва 18 ёшгача бўлган шахсларга маданий-маърифий, тарихий аҳамиятга молик бўлган жойлар, жумладан театр, музей, тарихий обидалар мажмуаларига тўловсиз кириш тартиби жорий қилинганлигини келтириш мумкин.

Таълим олиш ҳуқуқи “Таълим тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”, Ўзбекистон Республикасининг “Ўқитувчи ва мураббийлар кунини белгилаш тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадига эришиб, умуминсоний таълимдан тўлиқ фойдаланишга муяссар бўлди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, мамлакатда саводхонлик даражаси дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бирига етди (99,9%) [6]. Республика ҳақли равишда ёшлар мамлакати, мамлакат янги таҳрирда қабул қилган бош қомуси “Ёшлар конституцияси” деб аталишига тўлақонли асослар мавжуд. Аҳолининг 45% дан ортиғини 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Бугунги кунда таълимга сарфланган маблағлар ЯИМнинг қарийб 12 фоизини ёки давлат бюджети умумий харажатларининг 50 фоиздан ортиғини ташкил этади.

Таълим соҳасида хотин-қизларни камситишнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун Ўзбекистон таълим тизимида 6,5 миллиондан ортиқ киши таълим олмоқда, уларнинг 48,4 фоизини аёллар ташкил этади. Аёллар барча мутахассис ва тадқиқотчиларнинг 38 фоизини ташкил қилади [3]. Айни пайтда оилада, таълим олишда, илмий ютуқларга эришиш, иш жойи соҳасидаги муносабатларда гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 2019 йил 2 сентябрда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ва “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Зеро, бугунги кунда барқарор ривожланишга эришишда илм-фан ва гендер тенглиги улкан аҳамиятга эгадир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фанда “Матилда эффекти” номи билан аталадиган гендер тенгсизлик, яъни аёлларнинг

илм-фанга қўшган ютуқларини тизимли равишда рад этиш, уларнинг қилган ишларини эркак ҳамкасбларига тегишли деб ҳисоблашга ҳам аёл жинсига мансуб илм вакиллари, ходимларнинг ҳуқуқлари бузилиши сифатида қаралади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Тараққиёт мақсадларидаги фан, техника ва инновациялар» тўғрисидаги резолюцияда гендер тенгликни таъминлаш масаласи кўтарилган бўлиб, бутун дунёда хотин-қизларнинг фан, техника ва инновацион ютуқлардан тенг ва тўлақонли фойдаланишларига имкониятлар яратилишига чақирилган. БМТ қарорига кўра, 2016 йилдан бошлаб, ҳар йили 11 февраль «Илм-фан соҳасидаги аёллар ва қизлар халқаро куни» сифатида нишонланади. Бундан кўзланган асосий мақсад аёлларнинг илм-фандаги салоҳиятига эътибор қаратиш ва қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Шу билан бирга, таълим соҳасидаги қонунчилик ва халқаро ҳуқуқий меъёрларни қиёсий таҳлил қилиш жараёнида муайян номувофиқликлар аниқланган бўлиб, уларнинг баргараф этилиши таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Зеро давлат раҳбарининг 2022 йилдаги мурожаатномасида таъкидланганидек, мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келамоқда.

Бу мақсадда 2023 йилдан бошлаб янги дастур амалга оширилиши, ҳар бир вилоятда 1 тадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилиши ва келгуси беш йилда барча коллеж ва техникумлар ушбу тизим билан қамраб олиниши режа қилинди.

БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция”сига Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабридаги 757-ХП-сонли қарори билан қўшилган Конвенция қоидаларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг учинчи ва тўртинчи миллий маърузалари бўйича хулосаси ва тавсияларига эътибор қаратиш лозим, унда қатор камчиликлар кўрсатиб ўтилиб, улар асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан миллат ва элат вакиллари учун таълимни янада ривожлантириш, миллий интеграция ва ижтимоий модернизацияни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди:

- давлат таълим стандартларини такомиллаштириш асосида ўқув режалари ва таълим дастурларини янада такомиллаштириш;
- замонавий ахборот технологиялари ва Интернет имкониятларидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишнинг интерфаол усулларини жорий этиш, замонавий ахборот муҳитини, ахборот таълим майдонини яратиш;
- мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактабларининг моддий техник базасини мустақамлаш, уларни ўқув, лаборатория ва махсус жиҳозлар, компьютер техникаси ва ўқув-услубий материаллар билан жиҳозлаш;
- шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудида яшовчи миллий озчиликлар тилларида таълим олиш имкониятини таъминлаш; ўқитишнинг замонавий услублари ва шаклларини, шу жумладан она (миллий) тилларини ўқитишга қаратилган ўзгарувчан ўқув режалари ва табақалаштирилган таълим дастурларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- Ўзбекистон Республикасида таълимда тили олиб бориладиган мамлакатларга таълимнинг барча босқичларидаги профессор-ўқитувчилар учун хорижий стажировкалар

сонини кўпайтириш [4].

Шундай қилиб, ҳозирги босқичда таълим олиш ҳуқуқини самарали таъминлаш кўп жиҳатдан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва таълим соҳасидаги хорижий тажрибани ўрганишга боғлиқ. Таълим олиш ҳуқуқини ва уни таъминлаш кафолатларини белгиловчи халқаро ҳужжатлар нормалари таълим соҳасидаги давлатлар ҳамкорлигининг энг муҳим ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Юридик адабиётлар публич, 2023.
2. Таълим тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг қонуни. <https://lex.uz/docs/-5013007>
3. БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш бўйича қўмитаси. Ўзбекистоннинг тўртинчи даврий маърузаси, 2010 йил. www.ohchr.org
4. БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси. Ўзбекистоннинг учинчи ва тўртинчи ҳисоботлари, 2010 йил, www.ohchr.org
5. Development Strategy Center, “Progress of education and science in the era of construction of New Uzbekistan” 19 Oct, 2021. <https://strategy.uz/index.php?news=1387&lang=en#>
6. The World Bank IBRD IDA “Literacy rate, adult total (% of people ages 15 and above)” <https://data.worldbank.org/indicator/>



O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi

